

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ ЭРГАШ ОРИПОВИЧ

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА МАТЕМАТИК АНАЛИЗ
АСОСЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Шарипов Эргаш Орипович

Академик лицейларда математик анализ асосларини

ўқитиш методикаси 3

Шарипов Эргаш Орипович

Методика преподавания основ математического анализа

в академических лицеях 23

Sharipov Ergash Oripovich

The methodology of teaching the basics of mathematical analysis

in academic lyceums 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ ЭРГАШ ОРИПОВИЧ

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА МАТЕМАТИК АНАЛИЗ
АСОСЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Ped286 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тажиев Мамаражаб,
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Жабборов Насридин Мирзоодилович,
физика-математика фанлари доктори, доцент
Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-16-65; факс: (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-16-65.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.М.Арипов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, ф-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

М.Тўхтасинов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида таълим тизимида эътибор барча мамлакатлар учун иқтисодий ривожлантириш, жамият фаровонлигини таъминлаш кафолати эканлиги эътироф этилган. Ҳозирда янгича ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар, илм-фан ва техника ютуқлари асосида аниқ фанларни ўқитиш жараёни технологиялаштирилмоқда. Таълим сифатининг юқорилиги билан эътироф этилган кўпгина хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида интерфаол методларнинг фаол қўлланилиши, жумладан, математика фанини ўқитиш сифатини ошириш тенденцияларининг амалиётга кенг татбиқ этилиши ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш маҳоратини оширишга, уларнинг ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Жаҳонда математикага дахлдор барча фанларни ўқитишда таълим жараёнига инновацион технологияларни қўллаш ҳамда шу орқали таълим сифатини таъминлаш, таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, математиканинг амалий татбиқлари самарадорлигини ошириш ва фанлараро алоқадорлик асосида ўқувчиларни касбга йўналтириш каби масалаларни қамраб олган илмий тадқиқотлар кенг қўламда олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида, инновацион стратегияларни математика фани ўқув машғулотларига қўллаш, чуқурлаштирилган мактаб ўқувчиларининг фаоллигини ошириш, мустақил билим олиш ва ўзлаштирилган билимларни амалиётга кенг татбиқ этиш борасида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар натижасида таълим тизимида барча фанлар қатори математика фанининг ҳам ўқув-меъёрий ҳужжатлари, моддий-техник базаси янгиланмоқда. Ўқитишнинг компьютер технологияларига асосланган методларини татбиқ этиш натижасида ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқишлари ортиб, иқтисодийнинг реал секторига малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришилмоқда. Табиийки, бундай инновацион методларни қўллаш негизида математика фанини ўқитиш учун педагоглар томонидан ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарурати кузатилмоқда. Математика таълимини янада ривожлантиришнинг чоратадбирларида «... математика, физика, кимё, биология, информатика ва чет тили каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш»¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада математика фанларининг таркибий қисми саналган «Математик анализ асослари» бўлимини ўқитишда ижодий фаолиятни ривожлантирувчи креатив ёндашувлар, дарс жараёнларини лойиҳалаштириш ҳамда илғор таълим технологиялари асосида ўқитиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб қувватлаш, шунингдек, В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил, 07/19/4387/3397-сон.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 25 январдаги «Умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4513-сонли Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 январдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Математика курсининг математик анализ асослари бўлими мазмуни ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича Б.Абдуллаева, С.Алихонов, М.Баракаев, Г.Злоцкий, Ж.Икромов, М.Тожиев, Н.Тойлоков, Т.Тўлаганов, Д.Юнусова, Н.Ғайбуллаевлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Математик анализ асосларини ўқитиш ва дарс машғулотларини ташкил этишга оид қатор ўқув адабиётлари Т.А.Азларов, Ш.Алимов, Н.Дилмуродов, Н.Жабборов, Т.Ж.Жўраев, А.Садуллаев ва бошқалар томонидан яратилган. Академик лицейлар учун математикадан ўқув адабиётларини яратиш, математика таълими сифатини ошириш соҳасида ва академик лицейларда математикани ўқитишнинг хусусиятлари ҳамда муаммоларини тадқиқ қилиш бўйича бажарилган изланишлар сифатида А.Абдуқодиров, М.Арипов, А.Абдихамедов, О.Мусирмонов, А.Насимов, А.Норматов, А.Юнусовларнинг илмий тадқиқотларини қайд этиш мумкин. Академик лицейларда математикани ўқитишнинг хусусиятлари ва муаммоларига доир илмий-тадқиқот ишлари Б.Зиёмухамедов, А.Бакирова, У.Ибрагимов, А.Саипназаров, А.Султонова, Ў.Толиповлар томонидан амалга оширилган.

МДХ мамлакатларида эса Ю.И.Колягин, Е.У.Медеуов, В.И.Мишин, В.М.Монахов, А.Г.Мордочович, М.Н.Рогановская, Р.С.Черкасов, П.М.Эрдниевларнинг илмий-тадқиқот ишларида математик анализ асосларини ўқитишнинг педагогик-психологик муаммолари тадқиқ этилган. Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, дарс жараёнларини лойиҳалаш ва шахсга йўналтирилган таълим муаммолари бўйича В.П.Беспалько, М.В.Кларин, Е.Лебедева кабилар илмий изланишлар олиб борган.

Академик лицейлар учун математикадан ўқув адабиётларини яратиш, математика таълими сифатини ошириш соҳасида хориж олимларидан Билл Робертс, Мал Соад анд Отхер, Сандй Мас Кензиэллар томонидан ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-33 – «Олий таълим муассасаларидаги ўқув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти («Математика ўқитиш методикаси» таълим йўналиши мисолида)» (2015–2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш; математик анализ асосларини ўқитишнинг методик тизими (мақсади, мазмуни, шакли, воситаси ва усули)га ижодий ёндашувнинг (ўқитувчининг инновацион фаолияти, ўқувчининг мустақил таълим олиши, англаш, хотирада сақлаш, қўллаш ва назорат) таркибий қисмлари мазмунини ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро диалоги асосида аниқлаштириш;

фанлараро ва ўқув мавзуларидаги таянч тушунчаларнинг алоқадорлик кўрсаткичлари (тури, моҳияти, таснифи, хусусияти) асосида теорема ва масалаларни мантикий исботлаш мезонлари (тартиби, узвийлиги, қўлланиши)ни аниқлаштириш;

дарсларни «Шахсга йўналтирилган таълим» технологиясига кўра лойиҳалаш босқичлари (лойиҳа алгоритми, ўқув модулининг матн сценарийси, ўзлаштиришини текшириш) математик анализ асосларига оид билимлар динамикаси (координацион фаоллик, ўқув фаоллиги, амалий фаоллиги)га устуворлик бериш асосида такомиллаштириш;

ижодий муҳит яратувчи креатив ёндашувлар (ўқитувчининг инновацион фаолияти, ўқувчининг мустақил таълим олиши, англаш, хотирада сақлаш, қўллаш ва назорат)га таянилган ҳолда, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турли фаолиятларини интеграциялаш асосида математик анализ асослари мавзуларини ўзлаштиришга оид илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик лицейларда математик анализ асослари бўлимини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги учта академик лицейнинг 842 нафар ўқувчиси жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг методик тизимига ижодий ёндашув (ўқитувчининг инновацион фаолияти, ўқувчининг мустақил таълим олиши, англаш, хотирада сақлаш, қўллаш ва назорат)нинг таркибий қисмлари мазмунини ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро диалоги асосида аниқлаштириш, дарс жараёнини лойиҳалаб ўқитишнинг шакли, методикаси ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида унинг мақсад ва вазифаларига қаратилган кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

математик анализ асосларини ўқитишнинг методик тизими (мақсади, мазмуни, шакли, воситаси ва усули)га ижодий ёндашув (ўқитувчининг инновацион фаолияти, ўқувчининг мустақил таълим олиши, англаш, хотирада сақлаш, қўллаш ва назорат)нинг таркибий қисмлари мазмуни ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро диалоги тузилмасини кенгайтириш асосида аниқлаштирилган;

фанлараро ва ўқув мавзуларидаги таянч тушунчаларнинг алоқадорлик кўрсаткичлари (тури, моҳияти, таснифи, хусусияти) асосида теорема ва масалаларни мантикий исботлаш мезонлари (тартиби, узвийлиги, қўлланиши) аниқлаштирилган;

дарсларни «Шахсга йўналтирилган таълим» технологиясига кўра лойиҳалаш босқичлари (лойиҳа алгоритми, ўқув модулининг матн сценарийси, ўзлаштиришни текшириш) математик анализ асосларига оид билимлар динамикасига (координацион фаоллик, ўқув фаоллиги, амалий фаоллик) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятларини ижодий муҳит яратувчи креатив ёндашувлар (ўқитувчининг инновацион фаолияти, ўқувчининг мустақил таълим олиши, англаш, хотирада сақлаш, қўллаш ва назорат)га таянилган ҳолда интеграциялаш асосида математик анализ асослари мавзуларини ўзлаштиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилиб, ушбу бўлимни ўқитишнинг методик тизими дарс жараёни лойиҳаларини тузиш асосида такомиллаштирилган;

математик анализ асослари бўлимини ўқитишда илғор таълим технологиялари ёрдамида методик тизимни такомиллаштириш тамойиллари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, «Математик анализ асослари бўлими дарсларини лойиҳалаб ўқитиш технологияси» ҳамда «Математика фанидан олимпиада масалалари» номли ўқув-услубий қўлланмалар яратилган;

математик анализ асослари бўлимига тегишли мавзулар юзасидан дарс ишланмалари яратилган ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига жойлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплamlари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув-услубий қўлланма ва у ҳақидаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган такомиллаштирилган методик тизим ва дарс лойиҳаларидан академик лицейлар таълимида математик анализ асосларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва натижаларининг академик лицейларда қўлланилаётгани ҳамда яратиладиган

янги авлод ўқув адабиётларини яратишда такомиллаштирилган методик тизим ва дарс лойиҳаларидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Математика курсининг «Математик анализ асослари» бўлимини ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

ўқувчининг мустақил таълим олиши ва дарс жараёнини лойиҳалаштириш компонентларини математик анализ асосларини ўқитишнинг методик тизимига киритишга нисбатан ижодий ёндашувлар, яъни ўқитувчининг инновацион фаолияти, ўқувчининг мустақил таълим олиши ва ўзини-ўзи баҳолашига оид назоратлар тизими, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро диалогини таълим амалиётида қўллашга оид таклифлар асосида «Педагогик технология миллий моделининг таълим жараёнига татбиқи» (ISBN 979-9943-375-67-3) номли ўқув қўлланма нашр қилинган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 89-03-4462-сон маълумотномаси). Ушбу ўқув адабиёти академик лицейларнинг ўқув-методик таъминотини бойитиш ҳамда «Математик анализ асослари» бўлимининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиш имкониятларининг ошишига хизмат қилган;

математик анализ асосларини ўқитишнинг фанлараро ва ўқув мавзуларидаги таянч тушунчаларнинг алоқадорлик кўрсаткичлари асосида теорема ва масалаларни мантикий исботлаш мезонларини аниқлаштириш, дарсларни «Шахсга йўналтирилган таълим» технологиясига кўра лойиҳалаш босқичлари, математик анализ асосларига оид билимларни ривожлантиришга қаратилган ҳамда интерфаол методлар ёрдамида дарс жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2007–2011 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар дастури доирасида ОТ-Ф8-208 рақамли «Таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий этишнинг илмий-назарий асослари» мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 89-03-4462-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар фанлараро ва ўқув мавзулари ўртасидаги алоқадорликни мустаҳкамлаш, ўқитишнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш ва таълим самарадорлигини ошириш имконини берган;

ижодий муҳит яратувчи креатив ёндашувлар (ўқитувчининг инновацион фаолияти, ўқувчининг мустақил таълим олиши, англаш, хотирада сақлаш, қўллаш ва назорат)га таянилган ҳолда, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турли фаолиятларини интеграциялашасида математик анализ асослари мавзуларини ўзлаштиришга оид илмий-методик тавсиялар асосида «Математик анализ асослари бўлими дарсларини лойиҳалаб ўқитиш технологияси» номли услубий қўлланма нашр қилинган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 89-03-4462-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижалари академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитиш методикасини илғор таълим

технологиялари асосида такомиллаштириш ва лойиҳалаб ўқитиш орқали таълим самарадорлигини оширишга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 5 та ўқув ва услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитишнинг шарт-шароитлари**» деб номланган биринчи бобида:

академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитишнинг хусусиятлари ва ҳозирги ҳолати таҳлил этилган ҳамда ушбу таҳлиллار асосида математик анализ асосларини ўқитишни такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари умумлаштирилган; методик тизим академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитишнинг омили эканлиги илмий-методик жиҳатдан асосланган ва академик лицейлар таълим жараёнини ташкил этишда математика фани дарсларини лойиҳалаштиришнинг ўрни ҳамда аҳамияти кўрсатиб берилган;

академик лицейларда ўқитиладиган математик анализ асослари ҳолати таҳлил этилган бўлиб, унга кўра академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитиш мазмуни, ўқув-услубий таъминоти ҳамда методикасида, айниқса, педагогик технология тамойиллари асосида дарсларни лойиҳалаштириш ва шу асосда дарс жараёнини ташкил этишда айрим камчиликлар мавжуд эканлигига аниқликлар киритилиб, уларни такомиллаштириш тўғрисида таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган. Натижада, математика фани дастуридаги «Математик анализ асослари» бўлими мазмунини такомиллаштириш ва дарс жараёнларини лойиҳалаштириш давр талаби, деган хулосага келинди.

Академик лицейларда математика фанини ўқитиш сифатини янада яхшилаш омилларидан бири сифатида математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг методик тизими ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).

Академик лицейларда ўқитиладиган математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг методик тизими			
Математик анализ асосларини ўқитишнинг концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда математик анализ асосларини ўқитишнинг мақсадини белгилаб олиш.			Математик анализ асосларини ўқишда ташқи ва ички алоқадорликни ишлаб чиқиш ва шу асосда математик анализ асослари бўлимининг мазмунини белгилаб олиш.
			Таянч тушунча ва ибораларни белгилаб олиш ва уларни ўқитишнинг замонавий усул ва услубларини аниқлаб олиш.
			Ўқувчиларнинг математик анализ асосларидан олган билимларини назорат қилиш.
Ўқувчилар томонидан бажариладиган топшириқларни шакллантириш ва уларни бажаришда мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантиришга катта урғу бериш.			
Математик анализ асослари бўлими дарс машғулотлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда ўқувчиларнинг математик анализ асосларидан олган билимни англашлари, хотирасида сақлашлари ва таълим амалиётида қўллашларини бир вақтнинг ўзида амалга оширишни таъминлашга эришиш.			

1-расм. Академик лицейларда ўқитиладиган математика фанидаги математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг методик тизими

Математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг методик тизимини ҳамда унинг асосида методик моделини яратишнинг илмий асоси белгиланди ва академик лицейларда математик анализ асосларини ўрганишнинг методик тизимини ишлаб чиқишда турли инновацион ёндашувлар ҳисобга олинди. Масалан, ушбу методик тизимни яратишда анъанавий ўқитишнинг методик тизимидан фарқли ўлароқ, академик лицейларда ўқитиладиган математика фанидаги математик анализ асослари дарс машғулотлари лойиҳалари методик тизимнинг асосий элементи сифатида қўлланилди.

Академик лицейларда математика фанидаги математик анализ асослари бўлимини ўқитиш методик тизимининг асосий элементи бўлган ўқитиш мақсадлари жамият тараққиётига хизмат қилишга йўналтирилган бўлиши лозим. Математика фанидаги математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг методик тизимини яратишдаги асосий вазифа ўқитишнинг методик тизими моделини яратишдир. Шундан келиб чиқиб академик лицейларда ўқитиладиган математика фанидаги математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг методик тизими ишлаб чиқилиб, унинг ҳар бир элементиغا шарҳ берилди, улар мисоллар билан бойитилди.

Академик лицейларда ўқитиладиган математика фанидаги математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг мақсадини белгилашда мамлакат ҳар бир фуқаросининг шахс сифатида шаклланишида унинг муҳим ўрин тутиши ва келгусида самарали ҳаётий ва касбий фаолият юритиш имкониятларини ошириши аниқланди. Масалан, «Дифференциал тенгламалар» мавзусининг умумий мақсадини «дифференциал тенгламанинг таърифи, дифференциал

тенгламанинг умумий ва хусусий ечими, интеграл чизиғи ва ўзгарувчиси ажраладиган, биринчи тартибли чизикли дифференциал тенгламаларни интеграллаш» сифатида белгилаш мумкин. Дифференциал тенгламаларга оид масалаларнинг физик, биологик ва иқтисодий жараёнларга татбиқига эътибор қаратиш ўқувчиларни фикрлашга ундайди.

Академик лицейларда ўқитиладиган математика фанидаги математик анализ асослари бўлимини ўқитиш методик тизимининг асосий элементларидан яна бири биз томонидан таклиф этилаётган дарс машғулотлари лойиҳалари ҳисобланади. Бугунги кунда ҳукуматимиз ҳамда жамият томонидан академик лицейларнинг таълим жараёнига қўйилаётган талаблардан бири ўқитишнинг методик тизими элементлари орасида дарс машғулотларининг лойиҳалари бўлиб, улар таълим сифатининг кафолатидир.

Юқорида таъкидланганларга асосан, академик лицейларда ўқитиладиган математика фанидаги математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг методик тизимини яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Шунингдек, академик лицейларда математик анализ асослари бўлими таълим жараёнини ташкил этишда дарс машғулотлари лойиҳаларининг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

Математик анализ асосларидан дарс машғулотларининг лойиҳаларини тузиш босқичлари такомиллаштирилди. Ушбу лойиҳалаштириш босқичларидан фойдаланиб, дарс машғулотларини лойиҳалаштиришда Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва шу асосда ишлаб чиқилган ўқув режа, ўқув фан дастури, дарслик, ўқув ва ўқув-методик қўлланма, методик тавсияномалар ҳамда ўқув фанига тегишли бўлган бошқа ўқув материаллари асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг **«Академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитиш методикаси»** деб номланган иккинчи бобида академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитишнинг мақсади ва мазмуни белгилаб берилган ҳамда уни ўқитишнинг усул ва услублари, шакл ва воситалари такомиллаштирилган. Академик лицейларда математика ўқув фанининг «Математик анализ асослари» бўлимини лойиҳалаб ўқитишнинг афзаллиги илмий-методик томондан асосланиб, математик анализ асослари дарсларини лойиҳалаштириш модели академик лицей таълим жараёнига мослаштирилган ва такомиллаштирилган, математик анализ асосларини лойиҳалаб ўқитишнинг методикаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ушбу бобда академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитишнинг мақсадини шакллантириш, илмий асосланган ва математик анализ асосларини ўқитишнинг мазмунини мукаммаллаштириш бўйича таклифлар берилган; академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитишнинг усул ва услублари, шакл ва воситалари кўрсатиб берилган; тадқиқотда узлуксиз таълим тизими академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитиш мақсадларини шакллантиришда методологик асос сифатида қабул қилиниб, академик лицейларда математик анализ асослари бўлимини

ўқитиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда катта, ўрта ва кичик модулларнинг мақсадлари аниқлаштирилган. Чунки мана шу жойда ўқув жараёнини лойиҳалаш амали бевосита намоён бўлади. Бу босқичда лойиҳаловчи модуллар устида ишланиб, ўқув мақсадлари аниқланади.

Ўқув мақсадлари аниқланганда, биринчидан, уларга эришилганликни аниқ билиш имкониятига эга бўлинади, иккинчидан, тест топшириқлари мазкур мақсадларга мувофиқ ҳолда тузилганда машғулотнинг мазмунини тўла камраб олишга эришилади, учинчидан эса, айнан бир машғулот мақсадларининг бир хил ва аниқ бўлиши барча фан ўқитувчиларининг бир хил натижага эришишларини кафолатлайди. Мақсадни аниқлаш математик анализ асослари дарс жараёнини лойиҳалашдан тортиб, то унинг самарадорлигини текшириш, уни синовдан ўтказиш ҳамда оммалаштиришгача бўлган жараёндир. Ўқув мақсадлари эса педагогик жараёни ташкил этувчи энг муҳим таркибий қисм ҳисобланади.

Таълим самарадорлиги ўқувчиларнинг янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, ўзларининг ижодий қобилиятларини бойитиши ҳамда таълим даражасини ошириши билан боғлиқ. Бу эса таълимнинг мақсад ва мазмунига боғлиқ ҳолда математик анализ асослари бўлими мазмунини такомиллаштиради.

Таълим мазмуни ўқув фанлари дастурининг рақобатбардошлигига боғлиқ. Бу, ўхшаш фан дастурлари билан таққосланганда, ўқитиш талаблари ва эҳтиёжларига жавоб бериш, ўқув фаолиятини ривожлантиришни таъминлаш қобилияти билан ўлчанади ва фан дастурларини тузишда алоҳида илмий салоҳият билан ёндашишни талаб қилади.

Тадқиқотда академик лицейларнинг математик анализ асослари фан дастурини (келтирилган таҳлиллар ва уни тузишга қўйилган талаб ва мезонлар эътиборга олинган ҳолда) такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар ўқувчиларга синфда ва синфдан ташқари назарий материалларни кетма-кетлик асосида, тизимли ва мустақил ўзлаштириш имконини яратади. Шунга асосан, математик анализ асослари бўлимини ўқитишнинг усул ва услублари такомиллаштирилди.

Ўқитишнинг мақсади ва мазмуни ўқув фанининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва ўқитиш шакли, воситалари ҳамда усулларини танлаб олишга таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб ишда академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитиш жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўқитиш методикаси, шакли ва таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқлиги кўрсатиб берилди, математик анализ фанини ўқитишнинг воситалари такомиллаштирилди.

Мазкур бобда академик лицейлардаги «Математик анализ асослари» бўлимини лойиҳалаб ўқитишнинг афзаллиги илмий-методик жиҳатдан асослаб берилган, математик анализ асослари дарсларини лойиҳалаштириш модели ишлаб чиқилган ва йўриқнома тарзида тақдим этилган (2-расмга қаранг).

Академик лицейларда ўқитиладиган математика ўқув фани математик анализ асослари дарсларини лойиҳалаштириш йўриқномаси	
Математик анализ асослари бўлимининг мундарижасидан жой олган мавзулар, унга оид манбалар ва мазмунининг методик жиҳатларини аниқлаштириш.	Академик лицейларда ўқитиладиган математика ўқув фанини бир бутун деб қараб, «Энг катта модул» деб қабул қилиб, унда бериладиган материалларнинг ҳажми ва мазмунидан келиб чиқиб, – «катта», «ўрта» ва «кичик» модулларга ажратиш ва уларнинг мақсади ва мақсадчалари ҳамда уларга ажратилган вақтни белгилаб олиш.
«Математик анализ асослари» бўлимини ўқитишнинг мақсади ва вазифаларига таянган ҳолда, ҳар бир кичик модул ёрдамида бериладиган янги билимлар тизими ичидан таянч тушунчаларни ажратиб олиш.	Мавзу бўйича кичик модуллар орқали бериладиган билимлар ичидан ажратиб олинган таянч тушунчалар асосида машқ ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш ва шулар асосида ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш учун назорат саволларини тузиш ҳамда баҳолашнинг тури ва мезонларини аниқлаштириш.
Дарс жараёнининг шакли ва унда қўлланиладиган ўқитиш воситалари ҳамда усул ва услублари ҳамда технологияларини танлаб олиш.	Дарс жараёнини амалга оширишнинг сценарийсини ишлаб чиқиш. Сценарийни ёзишда педагог ва ўқувчи диалоги тамойили асосида амалга оширилишига эътиборни қаратиш.
Дарснинг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган дарс тури ва босқичларини аниқлаб олиш.	Ўқувчиларнинг умумий фаолиятларини яқуний назорат қилиш учун тест ёки бошқа назорат турлари тизимини ишлаб чиқиш.
Ҳар бир кичик модулдаги ўқув машғулотини амалга оширишда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологиялар, дидактик материаллар мажмуасини кўрсатиб қўйиш.	
Яратилган дарс жараёни лойиҳасининг таълим жараёнига мукаммал татбиқ этилишига эришиш ва таълим жараёнининг яқуний даражаси (самарадорлиги)ни ўрганиш билан ниҳоялаш.	

2-расм. Академик лицейларда ўқитиладиган математика ўқув фанидаги математик анализ асослари дарсларини лойиҳалаштириш йўриқномаси

Таълим тизимида лойиҳалаштириш малакали ўқитувчи томонидан тузиб чиқиладиган ва махсус ташкил этилган шароитларда амалга ошириладиган натижавий фаолиятдир.

Академик лицейларда педагогик технология доирасида яратилган турли хил ишланмалар, дарс лойиҳалари таълим самарадорлигини оширишга қаратилади. Бу жараёнга оқилона ва ижодий ёндашиш, бунда таълим берувчи ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда қўлланилган турли усуллар, воситалар баҳолаш сифатини оширади.

Ҳақиқатдан ҳам педагогик технология тамойиллари асосида дарс жараёнининг лойиҳаси бир маротаба тўғри тузиб олинса, ундан бир неча йил мобайнида ҳар қандай ёш педагог ҳам ўзининг дарс машғулотини юқори даражада амалга ошириши мумкин. Чунки педагогик технология асосида тузилган лойиҳага уни тузган олим ёки тажрибали услубчининг маҳорати сингдирилган бўлади. Шунинг учун ҳам академик лицейларда дарс лойиҳалари педагогик технологиянинг назарий асосларини пухта биладиган, тажрибали ҳамда маҳоратли ўқитувчилар, педагог олимлар томонидан тузилади.

Академик лицейларда ўқитиладиган математика ўқув фанидаги математик анализ асослари бўлими дарсларининг лойиҳаларини тузиб чиқишда педагогик технологиянинг илмий асосланган тамойилларига таянилди. Академик


лицейларда ўқитиладиган математика ўқув фанидаги «Кетма-кетликнинг лимити ҳақида тушунча» мавзуси бўйича дарсни лойиҳалаштириш модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).

«Кетма-кетликнинг лимити ҳақида тушунча» мавзуси бўйича дарс жараёни лойиҳасининг модели	
«Математик анализ асослари» бўлимининг мундарижасидан жой олган «Кетма-кетликнинг лимити ҳақида тушунча» мавзуси, унга оид манбалар ва мазмунининг методик жиҳатларини аниқлаштириш.	Академик лицейларда ўқитиладиган математика ўқув фанини бир бутун деб қараб, «Кетма-кетликнинг лимити ҳақида тушунча» мавзусини ўрта модул деб олиш ва уларнинг мақсади ҳамда уларга ажратилган вақтни белгилаб олиш.
«Кетма-кетликнинг лимити ҳақида тушунча» мавзуси мақсади ва вазифаларига таянган ҳолда, ҳар бир кичик модул ёрдамида бериладиган янги билимлар тизими ичидан таянч тушунчаларни ажратиб олиш.	«Кетма-кетликнинг лимити ҳақида тушунча» мавзуси бўйича кичик модуллар орқали бериладиган билимлар ичидан ажратиб олинган таянч тушунчалар асосида машқ ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш ва шулар асосида ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш учун назорат саволларини тузиб олиш ва баҳолашнинг тури ва мезонларини аниқлаштириш.
Дарс жараёнининг шакли ва унда қўлланиладиган ўқитиш воситалари ҳамда усул ва услублари ҳамда технологияларини танлаб олиш.	Ҳар бир кичик модулдаги дарс машғулотини амалга оширишда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологиялар ва дидактик материаллар мажмуасини кўрсатиб қўйиш.
Дарснинг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган дарс тури ва босқичларини аниқлаштириш.	Ўқувчиларнинг умумий фаолиятларини якуний назорат қилиш учун тестлар тизимини ишлаб чиқиш.
Дарс жараёнини амалга оширишнинг сценарий-сини ишлаб чиқиш. Сценарийни ёзишда педагог ва ўқувчи диалоги тамойилига таяниш.	
Яратилган дарс жараёни лойиҳасининг таълим жараёнига мукаммал татбиқ этилишига эришиш ва таълим жараёнининг якуний даражаси (самарадорлиги)ни ўрганиш билан тугаллаш.	

3-расм. «Кетма-кетликнинг лимити ҳақида тушунча» мавзуси бўйича дарс жараёнини лойиҳалаштириш модели

Академик лицейларда ўқитиладиган математика ўқув фанидаги математик анализ асослари дарслари малакали ўқитувчилар томонидан дарс жараёнида лойиҳалаштирилади ва унда моделнинг ҳар бир компонентига алоҳида эътибор қаратилиши шарт.

Унда қуйидаги амаллар бажарилди: академик лицейларда ўқитиладиган математика ўқув фанидаги математик анализ асослари ўқув бўлимининг мундарижасидан жой олган мавзу ва унинг мазмунига доир манбалар ўрганилди, чунончи, материаллар йиғилди ва уларнинг моҳияти билан танишиб чиқилди, уларда илгари сурилган ғоялар умумлаштирилди, туркумлаштирилди ва яхлитланди. Чунки дарс машғулотларини лойиҳалаштиришда ушбу ўқув фани ўқитиладиган таълим йўналиши Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва шу асосда ишлаб чиқилган ўқув режа, ўқув фан дастури, дарслик, ўқув ва ўқув-методик қўлланма ҳамда методик тавсияномалар, ўқув фанига тегишли бўлган бошқа ўқув материаллари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Теорема. Агар $[a; b]$ кесмада а) $f''(x) \geq 0$ бўлса, у ҳолда ҳар қандай t ($0 \leq t \leq 1$) сони учун $f(tb + (1-t)a) \leq tf(b) + (1-t)f(a)$ тенгсизлик бажарилади.	
Ўқитувчининг фаолияти (кординаторлик, йўналтирувчилик, ҳамкорлик, маслаҳатчилик)	Теорема шарти. $f''(x) \geq 0$
	Теорема шарти $f''(x) \geq 0$ бўлганда $[a; b]$ кесмада функция графиги ботик. Таянч тушунча: функция графиклигининг ботиклиги. Таянч тушунча хулосаси: функция графиги $[a; b]$ кесмага тегишли ҳар қандай уринмадан юқорида бўлади.
	Теорема шартига мос функция графиги ва унинг изоҳи $ cC \leq cC_1 $ эканлиги равшан.  Таянч тушунчалар тизими. 1. Текисликда нуктанинг координаталари. 2. Икки нукта орасидаги масофа. 3. Икки нуктадан ўтган тўғри чизик тенгламаси. 4. Функциянинг нуктадаги қийматини ҳисоблаш. 5. $[a; b]$ кесмада функция графигига $C(c; f(c))$ ($a < c < b$) нуктада уринувчи тўғри чизик тенгламаси. 6. $[a; b]$ кесмада функция графигини $A(a; f(a))$ ва $B(b; f(b))$ нуктада кесувчи тўғри чизик тенгламаси.
Ўқувчининг дарс жараёнидаги мустақил фаолияти	Теорема исботида таянч тушунчаларнинг қўлланиши: (AB) тўғри чизик тенгламаси: $y = \frac{f(b) - f(a)}{b - a}(x - a) + f(a)$ ва $C_1\left(c; \frac{f(b) - f(a)}{b - a}(c - a) + f(a)\right), \quad C(c; f(c)), \quad c(c; 0)$ шуларга кўра: $ cC = f(c) \quad \text{ва} \quad cC_1 = \frac{f(b) - f(a)}{b - a}(c - a) + f(a)$ га тенг бўлади. $ cC \leq cC_1 \Rightarrow f(c) \leq \frac{c - a}{b - a}(f(b) - f(a)) + f(a)$ энди $t = \frac{c - a}{b - a} \Rightarrow c = tb + (1 - t)a$ десак юқоридаги тенгсизликдан:
	Теорема хулосаси: $f(tb + (1-t)a) \leq tf(b) + (1-t)f(a)$
Теорема исботланди	

4-расм. «Шахсга йўналтирилган таълим» технологияси асосида теорема мантиқий исботлаш схемаси

Математик анализ асосларини ўқитиш ва амалиётга жорий қилиш методикасида академик лицейларда ўқитиладиган математика ўқув фанидаги математик анализ асослари дарсларини лойиҳалаштириш такомиллаштирилган ва шу асосда математик анализ асосларини ўқитишнинг методикаси ишлаб чиқилган, таълим жараёнига жорий қилиш учун «Функция графигининг асимптотаси. Функциянинг узлуксизлиги» мавзуси бўйича дарс ишланмаси ишлаб чиқилган.

Математика ўқув фанининг математик анализ асослари бўлимини академик лицейларда ўқитишни самарали ташкил қилиш учун, авваламбор,

ўқитиш жараёнини олдиндан режалаштириб олиш лозим. «Математик анализ асослари» бўлимидаги ҳар бир дарсни режалаштириш ва дарс ишланмаларини тузиб чиқишда ўқитиш мақсадларини олдиндан аниқ белгилаб олиш асосий ўрин тутди. Бунда математик анализ асосларини ўқитиш ва амалиётга жорий қилишда ҳар бир дарсни самарали ташкил этиш учун белгиланган мақсадларга эришишда «Шахсга йўналтирилган таълим» технологияларининг ўрни беқиёс бўлиб, уни қўллаш йўллари белгиланиб олинади ва шу асосда дарс машғулотлари ташкил этилади. «Шахсга йўналтирилган таълим» технологияси асосида теоремаларни мантикий исботлаш схемаси юқорида 4-расмда кетирилган.

Шундан келиб чиқиб академик лицейларда «Математик анализ асослари» бўлимига доир ҳар бир дарс машғулотининг педагогик технологиялар тамойиллари асосида лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий қилиш куннинг талабидир.

Диссертациянинг **«Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижалари»** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба натижаларини олиш учун кузатув, сўровнома, тест ўтказиш, оғзаки ва ёзма сўров, ёзма иш каби турли усуллардан фойдаланилди.

Академик лицейларда математик анализ асослари дарс жараёнини лойиҳалаштиришга тизимли ёндашган ҳолда ташкилий-педагогик тизимни самарали ривожлантиришга йўналтирилган амалий фаолият, аввалдан ишлаб чиқилган тажриба-синов дастури асосида олиб борилган амалий тадқиқот натижалари баён этилган.

